# Тошкент ҳақиқати

• № 84 (10.661).
1994 йил
9 ноябрь
чоршанба
Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## "ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалиги ва аҳолининг темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда темир йўлнинг барқарор ва хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш мақсадида:

1. Темир йўл транспорти тизимининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл корхоналари ва темир йўл бўлимлари, саноат, қурилиш, савдо ва таъминот корхоналари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, бошқа ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари негизида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компанияси ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компанияси Ўзбекистон Республикаси давлат темир йўл транспорти бошқармасининг темирйўл транспортида юк ташиш жараёнларига раҳбарлик қиладиган ва хўжалик ишларини амалга оширадиган ваколатли органидир.

3. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компаниясининг қуйидаги асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб қўйилсин:

темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш соҳасида бозор талабларини тадқиқ этиш, уни ривожлантириш истиқболини белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини таркибий қайта қуришни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

темир йўл транспорти хизматидан фойдаланадиган корхоналарга таклиф этиладиган кўп йўналишдаги хизмат соҳасини вужудга келтириш асосида транспорт хизмати бозорида темир йўл транспортининг рақобатга бардошлилигини таъминлаш;

темир йўл тармоқлари иши барқарорлигини, поездларни ўтказиш қобилиятини оширишга доир чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Темир йўл транспортида илмий-техникавий ва сармоя сарфлаш сиёсатини ўтказишни, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, темир йўл транспортини ҳар томонлама ривожлантиришни ташкил этиш;

сарф-харажатларни камайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашни назарда тутиб, юк, йўловчилар почта ва багаж ташиш соҳасидаги тариф сиёсатини белгиланган тартибда амалга ошириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компаниясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компаниясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин, унинг таркибини ва низомини тасдиқласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 7 ноябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

1994 йил 8 ноябрь куни Қ. Аҳмедов раислигида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 11 ва 24-моддаларига мувофиқ сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қонун талаблари доирасида эканини эътироф этиб, кўрсатилган номзодларни рўйхатга олди ва уларнинг рўйхатини республика ва вилоят газеталарида эълон этиш тўғрисида қарор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича сайлов бюллетени, сайлов варақаси ҳамда таклифноманинг намунавий нусхалари маъқулланди.

Комиссия мажлисида республика давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломовнинг сайловга тайёргарлик юзасидан ахбороти эшитилди.

Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида бўлган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Комиссия ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, "Ватан тараққиёти" партиясининг раиси А. Йўлдошев қатнашди.

**(ЎзА).**

## Тошкент вилояти сайлов комиссиясида

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларнинг яна бир муҳим босқичи тугалланмоқда. Олий Мажлис депутатлигига вилоят Кенгаши томонидан номзодлар кўрсатиш сайлов тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилганлиги ҳақида Марказий Сайлов комиссияси ўз хулосасини берди.

Барча туман ва шаҳар кенгашларининг бўлиб ўтган сессиялари ҳамда Ўзбекистон Халқ Демократик ва "Ватан тараққиёти" партиялари Тошкент вилоят Кенгашларининг бўлиб ўтган пленумларида 1 чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиб бўлинди.

Вилоят сайлов комиссияси туман ва шаҳар Кенгашлари, Ўзбекистон Халқ демократик ва "Ватан тараққиёти", партиялари вилоят Кенгашлари томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш юзасидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, мазкур ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ эканлиги тўғрисида ўз хулосасини берди.

Шуни таъкидлаш кераки, кўрсатилган номзодлар орасида турли касбга мансуб мутахассислар, фан, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги кўзга кўринган ходимлар, туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари ва халқ хўжалиги турли тармоқларининг муносиб вакиллари бор.

Вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ишлари давом эттирилмоқда. Кўрсатилган номзодлар вилоят сайлов комиссиясининг мажлисида рўйхатга олиш учун кўриб чиқилади ва рўйхатга олинган номзодлар сайлов тўғрисидаги Қонунда белгиланган муддатларда вилоят газеталарида эълон қилинади.

• ЮҚОРИЧИРЧИҚ • ҚУЙИЧИРЧИҚ

## ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!

ВИЛОЯТ бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди. Туман меҳнаткашлари давлат қабул пунктларига 18800 тоннадан зиёд пахта топшириб йиллик режани ортиғи билан адо этдилар. Ялпи ҳосилнинг салмоқли қисми юқори навларга топширилди. Мавсум мобайнида асосий хом ашёнинг 60 фоизи терим агрегатлари бункеридан тўкилди.

Фидокорлик билан яратилган улкан хирмонга "Политотдел", "Гулистон", Аҳмад Яссавий номли, "Ўзбекистон", "Юқоричирчиқ" жамоа хўжаликларининг деҳқонлари, туман ҳудудидаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жамоалари катта ҳисса қўшдилар.

Пухта интизом, юксак уюшқоқлик ва масъулият мавсум мобайнида ишнинг юқори суръатда боришини таъминлади ҳамда муваффақият омиллари бўлди. Юқоричирчиқликлар бу йил, айниқса, ер шароитига қараб навларни танлаб экиш, ишлаб чиқаришга фан ютуқларини жорий қилиш, техникадан оқилона ва ишнинг кўзини билиб фойдаланишга эътиборни кучайтирдилар.

Эришилган муваффақиятда туман аҳли билан биргаликда Чирчиқ шаҳридан ва Паркент туманидан келиб, пахтакорлар ёнида баббаравар тер тўкаётган азамат хашарчиларнинг меҳнатлари катта бўлди.

Дастлабки довондан ошган туман меҳнаткашлари, барча ёрдамчилар бундан буён ҳам уюшқоқлик кўрсатиб ишлашга, бор ҳосилни териб олишда ғайрат-шижоат кўрсатишга аҳд қилдилар.

ЎЗЛАРИНИНГ бир вақтлардаги пахтачиликдаги шуҳратларини қайта тиклаш учун астойдил ҳаракат қилган, ана шу мақсадда имкониятлардан унумли фойдаланиш учун курашган, меҳнатни ташкил этишнинг энг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этаётган Қуйичирчиқ туманининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Ватан хирмонига 36 минг 200 тоннадан ортиқ хом ашё етказиб берилди.

Бу туманда, хўжаликларда олиб борилган катта ташкилотчилик ишларининг самарасидир.

Қуйичирчиқликлар бу йил терим агрегатларидан фойдаланишда ҳам бошқа туманларга нисбатан энг яхши кўрсаткичга эришдилар. Ҳозирги кунга қадар 24 минг 680 тоннадан ортиқ пахта машиналарда йиғиб олинди. Жуда кўп механик-ҳайдовчилар мавсумда 120—150 тоннага етказиб пахта тердилар.

Умуман оладиган бўлсак, тумандаги 12 та хўжаликнинг ҳаммаси ҳам режанинг бажарилишига ўзининг муносиб улушини қўшди. Айниқса, "Ўжакент", "Гулистон", "Ўзбекистон", "Дўстлик", "Янгиҳаёт", "Юлдуз" жамоа хўжаликлари юқори натижаларга эришдилар.

Туман меҳнаткашлари республикамизнинг умумий хирмонига яна ҳам салмоқли ҳисса қўшиш учун айни кунларда йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

**(Юқоричирчиқ ва Қуйичирчиқ туман пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган мақолаларни газетанинг 2- ва 3-бетларида ўқийсиз).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ГУРУҲ СПОРТЧИЛАРИНИ ВА СПОРТ УСТОЗЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этганликлари учун қуйидагиларга "Шуҳрат" медали берилсин:

**Абдураимов** Биродар — Ўзбекистон Республикаси миллий терма командаси катта устози

**Абдураимов** Азамат Биродарович — "Паханг" футбол клуби ўйинчиси, Малайзия

**Авезбоев** Алишер Сапарбоевич — бокс бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби устози, Қорақалпоғистон Республикаси

**Акрамов** Рустам Акрамович — Ўзбекистон Республикаси миллий терма командаси бош устози

**Давлетов** Февзи Ризаевич — марказий ҳарбий спорт клуби футбол командаси ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Дўрмонов** Абдисамат Чоршамбиевич — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Киреев** Иван Валерьянович — Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спортчи-йўриқчиси

**Лебедев** Сергей Элфертович — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Магометов** Фарҳод Абдуалиевич — "Навбаҳор" футбол клуби ўйинчиси, Наманган шаҳри

**Маъруфалиев** Абдуқаҳҳор Турғунович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Маскаев** Олег Александрович— марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Мақсудов** Шуҳрат Мирусмонович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Мунькова** Светлана Владимировна — марказий ҳарбий спорт клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Рўзимов** Улуғбек Икромович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Тихонов** Александр Викторович — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Федоров** Андрей Витальевич — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Шарипов** Илҳом Ҳалимович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Шейкин** Юрий Вячеславович — "Трактор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Шквирин** Игорь Анатольевич — "Маккаби" футбол клуби ўйинчиси, Исроил

**Яригина** Оксана Александровна — марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Қосимов** Миржалол Қўшоқович — "Спартак" футбол клуби ўйинчиси, Владикавказ шаҳри

**Ғаниев** Рамиль Маратович — марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 ноябрь.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ГУРУҲ СПОРТЧИЛАРИНИ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УСТОЗЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этишларига салмоқли ҳисса қўшганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

***"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ"***

**Абдураимов** Азамат Биродарович — "Паханг" футбол клуби ўйинчиси, Малайзия

**Авезбоев** Алишер Сапарбоевич — бокс бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби устози, Қорақалпоғистон Республикаси

**Оллониёзов** Бердах Бауетдинович — "Орол" футбол клуби ўйинчиси, Нукус шаҳри

**Атоян** Степан Меликович — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Аҳмедов** Шуҳрат Геннадиевич — марказий ҳарбий спорт клуби бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Давлетов** Февзи Ризаевич — марказий ҳарбий спорт клуби футбол командаси ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Дўрмонов** Абдисамат Чоршамбиевич — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Дўрмонов** Рустам Чоршамбиевич — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Казанцев** Владимир Владимирович — марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Киреев** Иван Валерьянович — Ўзбекистон Республикаси давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спортчи-йўриқчиси

**Колганов** Андрей Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спортчи-йўриқчиси

**Лебедев** Сергей Элфертович — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фаргона шаҳри

**Магометов** Фарҳод Абдуалиевич — "Навбаҳор" футбол клуби ўйинчиси, Наманган шаҳри

**Маъруфалиев** Абдуқаҳҳор Турғунович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Мақсудов** Шуҳрат Мирусмонович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Мунькова** Светлана Владимировна — марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Рўзимов** Улуғбек Икромович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Репичев** Николай Викторович — ҳарбий хизматчи, Тошкент шаҳри

**Тихонов** Александр Викторович — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Тюрин** Анатолий Павлович — марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Федоров** Андрей Витальевич — "Нефтчи" футбол клуби ўйинчиси, Фарғона шаҳри

**Шарипов** Илҳом Ҳалимович — "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Шейкин** Юрий Вячеславович — "Трактор" футбол клуби ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Шквирин** Игорь Анатольевич — "Маккаби" футбол клуби ўйинчиси, Исроил

**Яригина** Оксана Александровна — марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Қосимов** Миржалол Қўшоқович — "Спартак" футбол клуби ўйинчиси, Владикавказ шаҳри

**Ғаниев** Рамиль Маратович — марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси, Тошкент шаҳри

**Осмонов** Энвер Зинаевич — Ҳарбий хизматчи, Тошкент шаҳри

***"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ"***

**Абдураимов** Биродар — Ўзбекистон Республикаси миллий терма командаси катта устози

**Андреев** Владимир Викторович — Енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта устози

**Акрамов** Рустам Акрамович — Ўзбекистон Республикаси миллий терма командаси бош устози

**Очилов** Мавлон Олламберганович — Қорақалпоғистон Республикаси бокс федерациясининг устози

**Устинович** Виктор Владимирович — Сув спорти турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби катта устози

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:***

**Алмуҳамедов** Ойбек Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия қўмитаси халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

**Ицков** Рема Исаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси гуруҳ раҳбари

**Капкаев** Шамиль Мухаметович — Енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби устози

**Любушин** Валерий Петрович Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг бўлим бошлиғи

**Рўзиев** Собиржон Собитович — Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

**Саркисян** Юрий Вазгенович — "Нефтчи" футбол клуби бош устози, Фарғона шаҳри

**Сеттаров** Али Аблямитович — Ўзбекистон терма командасининг мерганлик спорти бўйича катта устози

**Тихоненков** Николай Николаевич — марказий ҳарбий спорт клубининг мерганлик спорти бўйича катта устози, Тошкент шаҳри

**Туриков** Анатолий Алексеевич — "Пахтакор" футбол клуби шифокори, Тошкент шаҳри

"СССРда хизмат кўрсатган устоз" ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган устоз фахрий унвонлари "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвонига ва "СССР да хизмат кўрсатган спорт устаси" фахрий унвони "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвонига тенглаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 ноябрь.

## СЕССИЯЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Янгийўл туманида халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Ж. Шарипов ўз аризасига биноан туман ҳокими лавозимидан озод қилинди. Илгари Тошкент вилояти ҳокимининг муовини бўлиб ишлаган Й. Тожибоев Янгийўл тумани ҳокими этиб тайинланди.

Шунингдек, сессияда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди. Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги Қонунининг 20- ва 22-моддаларига мувофиқ, сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатилди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов сўзга чиқди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими А. Маматов иштирок этди.

***

Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Илгари Қибрай туманидаги "Туркистон" ҳарбий жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган Ҳ. Нурматов Зангиота тумани ҳокими этиб тайинланди.

Шундан сўнг сессияда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига номзодлар кўрсатиш масаласи кўрилди. Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги Қонунининг 20- ва 22-моддаларига мувофиқ, сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатилди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов сўзга чиқди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими А. Маматов иштирок этди.

***

Чирчиқ шаҳрида халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги қонунининг 20- ва 22-моддаларига мувофиқ сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатилди.

Сессия ишида Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Л. Тернових иштирок этди.

***

Тошкент туманида халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги Қонунининг 20- ва 22-моддаларига мувофиқ, сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатилди.



## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

**ВИЛОЯТ ТУМАНЛАРИДА**
**пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида**
**1994 йил 8 ноябргача бўлган**

### МАЪЛУМОТ

*(режага нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Туманлар | бир кунда | мавсум боши-дан буён | шу жумладан машинада терилгани | |
|---|---|---|---|---|
| | | | бир кунда | мавсум бошидан |
| *Ўртачирчиқ* | 0,02 | 104,21 | — | 83,45 |
| *Қуйичирчиқ* | 0,08 | 100,27 | — | 85,10 |
| *Юқоричирчиқ* | 0,05 | 100,27 | — | 74,10 |
| *Чиноз* | 0,21 | 96,37 | — | 69,19 |
| *Оққўрғон* | 0,16 | 95,92 | — | 68,63 |
| *Бўка* | 0,19 | 95,14 | — | 51,77 |
| *Пискент* | 0,03 | 85,53 | — | 35,37 |
| *Янгийўл* | 0,21 | 85,41 | — | 40,40 |
| *Бекобод* | 0,04 | 78,20 | — | 27,50 |
| *ВИЛОЯТ БЎЙИЧА* | 0,10 | 93,24 | — | 59,20 |

## ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### УВАККА ГАЗ КЕЛДИ

ОҲАНГАРОН. Сўнгги пайтларда туманнинг қишлоқларини газлаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда Қорахитой, Ёнариқ аҳоли пунктларидаги анчагина уйлар газлаштирилди. Куни кеча "Ангрен" ширкат жамоасининг маркази бўлган Увак қишлоғига ҳам табиий газ келди.

Шу муносабат билан бўлган йиғилишда туман ҳокими У. Иброҳимов, хўжалик бошқарувининг раиси Т. Тўраев, меҳнаткашларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига миннатдорчилик билдирдилар.

Яқин кунларда Увакдаги анчагина хонадонларда ҳам "зангори олов" ёнади.

**М. ҚАЮМОВ.**

### ФЕРМЕРНИНГ САҲОВАТИ

БЕКОБОД. Тумандаги "Ғалаба" жамоа хўжалигида фермерлик ҳаракатини биринчилардан бўлиб бошлаган Ҳамдам ака Боймуродов кўпгина саҳоватли ишлари билан намуна бўлмоқда. У ҳозир оила аъзолари билан биргаликда юздан ортиқ қорамолни парвариш қилаётир. Қишлоқда жойлашган болалар боғчасини сут билан таъминлашда уларнинг ҳиссалари катта.

Ҳамдам ака Боймуродов ўзи яшаб турган қишлоқдаги 46-ўрта мактабда амалга ошириладиган тадбирлар харажатини ҳам кўтаради. Бундан ташқари у аълочи битирувчи синф ўқувчиларидан икки нафарига ҳар ойда 100 сўмдан стипендия бериб боради. Фермер саҳоватидан ҳамма хурсанд.

**Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ.**

### ХАЛҚА ЙЎЛИ БЎЙИДА

ЗАНГИОТА. Тошкент халқа йўли бўйида иш бошлаган янги новвойхона доимо харидорлар билан гавжум. Бу ерда Туркиядан келтирилган печлар ёрдамида нонлар сифатли, таъмли қилиб тайёрланмоқда. Айниқса харидорлар ёғлиқ патир, мазали батон нонларини бажонидил харид қилмоқдалар. Бу ерда кунига 1 тоннадан ортиқ ундан нон ёпилмоқда.

**М. БОТИРОВ.**

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

